



ҚАРОР-ПОСТАНОВЛЕНИЕ

6 сент 1997 й.

№ 260-к

Фуқаролар Ориф Сатторов ва Шавкат Алиевларга шахсий енгил автомашиналарни тузатиш устохонаси куришга рухсат бериш тугрисида

Самарқанд туман "Узбекистон" жамоа хужалиги "Пулимугоб" маҳалла фуқаролари Ориф Сатторов ва Шавкат Алиевларнинг 1997 йил 6 январдаги қайд қилинган аризаларига асосан ҳамда туман аҳолисининг шахсий автомашиналарига намунавий техник хизмати курсатиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. "Узбекистон" жамоа хужалиги ҳудудида яшовчи фуқаро Шавкат Алиевга туман ҳокимиятининг II апрель 1995 йил I62 рақамли қарорига асосан ажратилган 200 кв.м. ер майдонига ҳозирги икти-содий қийинчилик даврида қурилиш ишларини охирига етказолмаслиги сабабли қарор бекор қилинсин.

2. "Узбекистон" жамоа хужалик ҳудудида яшовчи фуқаролар Ориф Сатторов ва Шавкат Алиевларга шахсий енгил автомашиналарни тузатиш устохоналари қуриш учун 10м х 10м =100 кв.м.дан булган ер майдонлари ажратилсин.

3. Фуқаролар Ориф Сатторов ва Шавкат Алиевларга шахсий енгил автомашиналарни тузатиш устохоналари қуришда қатъий равишда туман архитектура ва шаҳарсозлик бўлими томонидан тайёрланган лойиха асосида қуриш ҳамда савдо қилишда туман солиқ инспекциясида ҳужжатлар расмийлаштириб савдодан тушган нақд пулни туман банкида ҳисоб рақами очиб топшириш юқлатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими муовини Ш. Давроновга топширилсин.

Туман ҳокими :



Р. Ҳақимова